

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни камайтириш йўлида



Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Бугун Термиз тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясида белгиланган вазифаларнинг тумандаги ижроси юзасидан муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Равшан Намозов, туман ҳокими Шухратжон Уринов, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар туман бўлимлари раҳбарлари, маҳаллада фаолият юритувчи “бешлик”, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда нуронийлар иштирок этишди.

Термиз туманида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида олиб борилаётган ишларнинг ўрганиш натижалари ўқиб эшиттирилди. Йиғилишда маҳалла ҳудудида оғир ва ўта оғир турдаги, айниқса оила турмуш доирасида содир этилиши мумкин бўлган оғир тан жароҳати етказиш ва қотиллик каби жиноятларни олдини олиш мақсадида, келгусида “фуқаробай”, “оилабай” ва “хонадонбай” тизими, “Хавфсиз ҳовли” тамойили асосида кенг қамровли профилактик тадбирларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясига асосан ҳар бир ташкилот ва идораларнинг белгиланган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли ижро этилиши борасида келгусидаги вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб олинди.